

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

9-сон
(873)
2019 йил
4 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

147. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 февралдаги ПҚ–4208-сон қарори
148. «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги ПҚ–4210-сон қарори
149. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги ПҚ–4213-сон қарори
150. ««Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 февралдаги ПҚ–4214-сон қарори

Учинчи бўлим

151. «Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги

низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 февралдаги 163-сон қарори

152. «Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича энгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 167-сон қарори
153. «Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 февралдаги 168-сон қарори

Бешинчи бўлим

154. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 01-02/15-15-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-3*)
155. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/10-сон «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-1*)
156. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/12-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-5*)
157. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 01-02/8-13-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 390-3*)
158. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 76-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби

тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919-2*)

159. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 77-мх-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-3*)
160. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 78-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-4*)
161. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 28 январдаги 24-сон «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363-1*)
163. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 16 февралдаги 222-В-8, 15, 2019-11-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-8*)
164. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/11-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3.2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-7*)
165. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/13-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 992-5*)
166. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 01-02/12-12-сон «Божхона иши соҳасида қўлланилади-

ган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-4*)

167. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 17, 3, 2019-06-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-7*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 23 февралдан 1 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ****147 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида***

1. 2018 йил 9 октябрь куни Париж шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Франция Республикаси Ҳукумати ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Ҳадли битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 февраль,
ПҚ-4208-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**148** Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида*

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кўрилаётган чораларга қарамасдан, мамлакатда тегишли йўналишлар бўйича миллий рейтингларни юритишга ёрдам берадиган, амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро мезонлар ва стандартларга мувофиқлигини баҳолашнинг яхлит тизими мавжуд эмас.

Мазкур ҳолат халқаро ташкилотлар ва илмий муассасалар билан тизимли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, масъул вазирлик ва идораларда баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўз ичига олган тегишли маълумотлар базасини, ходимларда эса халқаро рейтинглар методологиясини қўллаш бўйича дунёқарашни шакллантириш имконини бермаяпти.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни баҳолашнинг яхлит ва мустақил тизимини шакллантириш, шунингдек, республиканинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизимини (кейинги ўринларда — Миллий мониторинг тизими) яратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Бошқарув сифати ва сиёсатнинг самарадорлигини ўлчаш, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар жараёнини баҳолаш, тадқиқотлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ислохотларнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишга ёрдам берувчи устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари Миллий мониторинг тизимининг таркибий қисми этиб белгилансин.

2. Миллий мониторинг тизими фаолиятини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида республикадаги тадқиқот институтларига алоҳида халқаро рейтинглар иловага** мувофиқ бириктирилсин ва уларга қўйидаги ва-зифалар юклансин:

халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекис-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тон Республикасининг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш;

ўзини ўзи баҳолаш учун устувор халқаро рейтингларнинг мезонлари ва индикаторлари асосида миллий индексларни ишлаб чиқиш;

лойиҳалар ва амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини юксалтиришга тўсқинлик қилаётган нормаларни аниқлаш нуктаи назаридан эксперт таҳлил қилиш ҳамда таҳлил натижаларига кўра тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикасининг тегишли рейтинглардаги ривожланиш жараёни тўғрисидаги ахборотларни, шунингдек, баҳоланаётган йўналишлар бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўз ичига олган ахборотлар маълумот базасини яратиш;

Ўзбекистон Республикасининг устувор халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилашга тўсқинлик қилаётган мавжуд ҳақиқий муаммоларнинг тизимли таҳлилинини олиб бориш, уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

халқаро ташкилотлар, рейтинг агентликлари ва илмий муассасаларнинг экспертлари билан ҳамкорлик ўрнатиш ва конструктив мулоқотни йўлга қўйиш;

тегишли тармоқлардаги муаммоларни аниқлаш ва аҳволни ўрганиш учун ижтимоий сўровлар ўтказиш, шунингдек, мамлакатда кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш доирасида турли соҳаларда юз бераётган туб ўзгаришлар тўғрисида жамоатчилик ва халқаро рейтинг агентликларини хабардор қилиш.

3. Кўрсатилаётган давлат хизматлари сифатини яхшилаш, аҳолининг давлат органлари фаолиятдан қониқиши даражасини ҳамда уларнинг ходимлари касбий маҳоратини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатасининг «давлат хизматларининг сирли мижози» институтини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

4. Белгилансинки:

«давлат хизматларининг сирли мижози» институтидан фойдаланиш доирасидаги чора-тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилади;

«давлат хизматларининг сирли мижози» институтидан фойдаланишда ҳуқуқбузарликлар ва ваколатни суистеъмол қилишга ундовчи усулларни қўллаш тақиқланади;

«давлат хизматларининг сирли мижози» институти маъмурий тартиб-қоидалар амалга оширилиши қулайлиги ва давлат органлари, шунингдек, уларнинг ходимлари томонидан давлат хизматларини кўрсатишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари, ходимларнинг профессионаллиги ва тезкорлиги, уларнинг аҳоли билан муомала қилиш этикети даражасини баҳолайди;

маълумотларни йиғиш учун ҳақиқий «мижоз» кўринишида мониторинг-ни амалга оширувчи ходимлар ва бошқа шахслар («сирли мижозлар»)дан фойдаланилади;

«сирли мижоз» томонидан мониторинг нафақат бевосита объектларга

ташриф буюришлар, балки мониторинг амалга ошириладиган давлат хизматларига қараб бошқа воситалар (телефон қўнғироқлари, электрон почта орқали мурожаат қилиш ва бошқалар) орқали ҳам амалга оширилиши мумкин;

«давлат хизматларининг сирли мижози» мониторинги натижалари шахсий бўлмаган шаклда расмийлаштирилади ҳамда қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш учун тегишли давлат хизматларини кўрсатадиган вазирлик ва идораларга мажбурий тартибда кўриб чиқиш учун тақдимномалар юборилади;

«давлат хизматларининг сирли мижози» мониторинги натижалари тегишли давлат хизматларини кўрсатадиган вазирлик ҳамда идоралар ходимларини жавобгарликка тортиш учун асос бўлмайди ва тавсиявий кўринишга эга бўлади;

«давлат хизматларининг сирли мижози» институти фаолиятини юритиш билан боғлиқ харажатлар Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул бўлган бошқа вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари билан биргаликда 2019 йил 1 апрелга қадар Интернет тармоғида қуйидагиларни ўз ичига олган «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона порталини яратсин:

халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш ва эълон қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича ишлар аҳволини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг тавсиялари;

халқаро рейтинглар индикаторлари бўйича хорижий мамлакатларнинг илгор тажрибасига оид ахборотлар;

тегишли рейтинглар йўналишлари бўйича жамоатчилик фикри сўровномалари, шунингдек, ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари;

халқаро рейтинглар саволномалари шаклида ҳар бир индикатор кесимида тўлиқ ва аниқ маълумотлар, шу жумладан, статистик маълумотлар;

тегишли рейтинглар бўйича турли ижтимоий сўровларни ўтказиш имконияти;

тегишли халқаро рейтинг методологияси бўйича онлайн ўқитиш ресурси; респондентлар томонидан жойларда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни тақдим этиш имконияти.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона портали фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва янгилаш бўйича масъул орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги маълумотлар, зарур статистик ахборотлар ва бошқа материалларни тақдим этишни таъминласин.

Бунда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирликлар, идоралар ва тадқиқот институтлари раҳбарлари «Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда» ягона порталида эълон қилинадиган ахборотларнинг ишончилиги учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

6. Алоҳида рейтинглар учун масъул бўлган тадқиқот институтлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармонида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

2019 йил 1 апрелга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатлари ва қонунчилик талабларини ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига асосланган тегишли рейтинглар методологиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни таъминласин;

2019 йил 1 майга қадар тегишли рейтингда Ўзбекистон Республикасининг ривожланиши тенденциялари ҳақидаги маълумотларни, баҳоланаётган йўналиш бўйича тавсиялар ва хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўз ичига олган ахборотлар маълумот базасини шакллантирсин;

2019 йил 1 июнга қадар вазирлик ва идоралар ходимларини баҳолаш методологияси билан таништириш, уларда рейтинглар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-тренингларни, шу жумладан, хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ташкил қилсин;

икки ой муддатда халқаро рейтингларни тузувчилар, шунингдек, халқаро рейтингларга алоқадор бошқа халқаро, илмий-тадқиқот, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ўрнатиш масаласини кўриб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда тадқиқот институтларига ҳамкорликни йўлга қўйишда ва грантлар, шу жумладан, хорижий грантларни жалб этишда ҳар томонлама қўмаклашсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармонида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ва алоҳида таркибий индикаторлардаги ўрнини яхшилаш учун масъул вазирлик ва идоралар:

Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги ўрнини, шу жумладан, тадқиқот институтларининг маълумотлари ва ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда яхшилаш бўйича ҳар йили «йўл хариталари» ишлаб чиқилишини таъминласин;

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича «йўл хариталари» лойиҳаларини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро рейтинглардаги ўрнини оширишга тўсқинлик қилаётган муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг натижалари тўғрисидаги ахборотни, жумладан субсидиялар, грантлар ажратиш ҳамда ижтимоий буюртмалар бериш орқали халқаро рейтингларни тузувчиларга етказиш борасидаги ишларга фуқаролик жамияти институтларини фаол жалб этишни таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда бир ой муддатда «давлат хизматларининг сирли мижози» томонидан мониторингни ўтказишнинг аниқ мақсадлари, параметрлари, объектлари ва мезонларини назарда тутувчи тартибни ишлаб чиқсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда халқаро рейтинглар индикаторлари доирасида ўтказилаётган ислохотлар тўғрисидаги ахборотларнинг оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида кенг ёритилишини, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари орасида тушунтирилишини таъминласин.

11. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 февраль,
ПҚ-4210-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**149** Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2018 йил 19 октябрь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши тўғрисидаги Битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси томонидан мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома йўлласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласинлар.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
ПҚ-4213-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**150 «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида***

Дунё халқлари ўртасида ҳамкорлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, мусиқа санъати анъаналарини асраш ва ривожлантириш, маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга қаратилган эзгу мақсадларни ўзида мужассам этган, ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан мусиқа оламининг йирик форуми сифатида эътироф этилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузини янада ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини (кейинги ўринларда Фестиваль деб юритилади) ўн иккинчи марта 2019 йилнинг 26 — 30 август кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Фестивални ўтказиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ташкилий қўмита (А.Н. Арипов) Фестивални 2019 йилда юқори савияда ўтказиш мақсадида:

икки ҳафта муддатда «йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин; 2019 йил 1 апрелга қадар Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметасини тасдиқласин;

Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бош дирекцияси Фестивалга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги билан биргаликда:

Фестивалга маҳаллий ва хорижий давлатлардан мусиқашунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонларни таклиф этиш чораларини кўрсин;

Фестиваль доирасида «Шарқ халқлари анъанавий мусиқа санъатини ривожлантириш истиқболлари» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши, унда хорижлик ва маҳаллий таниқли мусиқашунос олим ва

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 27 февралда эълон қилинган.

** Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мутахассислар ҳамда тадқиқотчиларнинг ўз маърузалари билан иштирок этишларини таъминласин;

Фестиваль нуфузини янада ошириш, дунё ҳамжамияти эътиборини Ўзбекистон мусика маданиятига жалб қилиш мақсадида Фестиваль доирасида хорижлик мутахассислар иштирокида махсус давра суҳбати, тақдимот ва маҳорат дарсларини ўтказсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Фестивалга тайёргарлик кўриш доирасида 2019 йил 1 июнга қадар:

халқаро илмий-амалий конференция дастурини;

Фестивалда иштирок этадиган хорижлик ва маҳаллий мусикашунос олимлар, таниқли санъаткорлар, етук мутахассислар ва фахрий меҳмонлар рўйхатини;

Фестивалнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийси ҳамда бадий дастурларини;

Ўзбекистон Бадий академияси, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси билан биргаликда Фестивалнинг логотипи ва совриндорлар учун бериладиган ҳайкалчаси лойиҳасини ишлаб чиқиб, Ташкилий қўмига тасдиқлаш учун киритсин.

8. Фестивални ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ташкилий қўмига томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган смета асосида қуйидаги тартибда:

70 фоизи — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг харажатлар сметасида маданий тадбирларни ўтказиш учун ҳар йили назарда тутиладиган бюджет маблағлари доирасида;

30 фоизи — Самарқанд вилояти маҳаллий бюджети, ҳомийлик хайрия маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

9. Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2019 йил 20 июлга қадар Самарқанд шаҳрида ободонлаштириш ва қўқаламзорлаштириш ишлари амалга оширилиши, Фестиваль ўтказиладиган сахна ва майдонлар талаб даражасида тайёрланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд шаҳри телекоммуникация тармоқларини Фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш талабларига мослаштириш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Фестивалга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун Маданият вазирлигининг виза талабномаларига биноан Ўзбекистон Республикасига кириш визаларининг белгиланган тартибда консуллик ва бошқа йиғимларни ундирмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. «Шарқ тароналари» халқаро мусика фестивали бош дирекцияси хорижий давлатлардаги халқаро санъат фестиваллари ташкилотлари ҳамда марказлари билан мунтазам равишда ижодий ҳамкорлик ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Дунё» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот

воситаларига 2019 йил 1 майдан бошлаб Фестивални кенг тарғиб этишга қаратилган ижтимоий реклама роликлари ва матнларини телевидение ва бошқа ахборот воситаларида жойлаштириш ҳамда Фестивални ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги уч ой муддатда маданият ва санъат соҳасидаги халқаро фестиваль ва анжуманларни юқори савияда ўтказиш ва бундай тадбирларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ–103-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Ф.Ш. Маҳмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
ПҚ–4214-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

151

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ–3978-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими маълумотлари асосида ўн кун муддатда ноҳалол экспорт қилувчилар реестрини шакллантириб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзаков ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 23 февраль,
163-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 23 февралдаги 163-сон қарорига
1-ИЛОВА

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мева-сабзавот маҳсулотлари — сабзавотлар, мевалар, дуккакли, ёнғоқ, узум ва полиз маҳсулотлари, музлатилган, қуритилган сабзавот ва мевалар (ТИФ ТН бўйича товар коди 07, 08, 0904, 1202);

экспорт қилувчилар — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари билан экспорт контрактлари тузган ёки экспорт контракти тузмасдан инвойс асосида экспорт қилувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари;

инвойс — мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун ҳисоб-варақ-фактура;

экспорт контракти — экспорт қилувчи ва Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўртасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш учун тузилган ҳўжалик шартномаси;

ноҳалол экспорт қилувчилар реестри — Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритилган экспорт контрактлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган, реал вақт режимида автоматик равишда шаклланадиган экспорт қилувчилар рўйхати.

2-боб. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

3. Тадбиркорлик субъектлари улгуржи савдо қилиш лицензиясига эга бўлмасдан мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Бунда якка тартибдаги тадбиркорларнинг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт тушумларига ягона солиқ тўлови тўланишини назарда тутиври солиққа тортиш тартиби қўлланилади.

4. Экспорт қилувчи юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини дастлабки тўловсиз, аккредитив очмасдан, банк кафолатини расмийлаштирмасдан ҳамда экспорт контрактини тижорат хавфларидан суғурта полисисиз амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Экспорт қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларга мева-сабзавот маҳсулотларини дастлабки тўлов, аккредитив очиш ёки харидор банкларнинг кафолати мавжудлиги каби шартлардан бири бўлгандагина экспорт қилиш ҳуқуқи берилади.

Божхона қонун ҳужжатлари бузилиши хавфининг белгилари аниқланмаган ҳолатларда, мева-сабзавот маҳсулотларининг божхона расмийлаштируви экспорт қилувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида божхона кўриги ўтказилмасдан амалга оширилади ва бундай маҳсулотлар юкланган транспорт воситасига божхона расмийлаштируви амалга оширилган божхона органи томонидан идентификация воситалари ўрнатилади. Бунда ҳужжатлардаги мавжуд маълумотларнинг ишончлилиги, шунингдек, маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ноқонуний олиб ўтиш ҳолатлари учун экспорт қилувчи жавобгар ҳисобланади.

5. Экспорт операциялари бўйича божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорликнинг пайдо бўлиш муддати мева-сабзавот маҳсулотлари учун 120 календарь кун этиб белгиланади.

6. Экспорт қилувчилар экспорт контракти тузмасдан инвойс асосида мева-сабзавот маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларидаги ҳисобварақларига Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан хорижий валютада банк ўтказмалари, шунингдек, хорижий ёки миллий валютадаги нақд пул маблағларини белгиланган тартибда банк кассаларига киритиш орқали 100 фоиз олдиндан тўлов олиш шарти билан экспорт қилиш ҳуқуқига эга.

7. Экспорт қилувчи юридик шахслар мева-сабзавот маҳсулотларини кейинчалик экспорт қилиш учун жисмоний шахслардан сотиб олганда, жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёзлар жисмоний шахслар томонидан сотилган маҳсулотлар уларга ёки уларнинг оила аъзоларига ажратилган ер участкаларида етиштирилганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмасдан қўлланади.

8. Экспорт контрактлари бўйича экспорт қилинган янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини белгиланган жойгача транспортда ташиш пайтида ушбу Низомнинг иловасига* мувофиқ фактура қийматига тузатишлар киритиш учун қўлланадиган Экспорт қилинган янги узилган мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва полиз маҳсулотларининг табиий йўқолиш нормативлари доирасида табиий йўқолишлар бўлган ҳолатларда, экспорт қилувчи бу ҳақда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (ТСОЯЭАТ) ахборот киритади.

Экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотларининг табиий йўқолишлари мавжуд бўлганда, йўқолиш суммаси дебитор қарздорлик сифатида ҳисобга олинмайди, балки экспорт қилувчи балансининг харажат қисмида ҳисобга олинади. Йўқотиш суммаси олдиндан тўлов сифатида эътироф этилганда, табиий йўқолишлар суммасига тенг мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчи томонидан ТСОЯЭАТга киритилган маълумотлар асосида юклаб жўнатилади.

Табиий йўқотишлар суммаси хизмат кўрсатувчи банк томонидан экспорт қилувчининг табиий йўқотишлар суммаси тўғрисида ТСОЯЭАТга киритилган маълумотлар асосида экспортга юкланган маҳсулотлар суммасидан камайтиради.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш натижасида пайдо бўлган йўқотиш суммаси хорижий шерикка қайтарилиши лозим ёки кейинги етказиб беришлар учун олдиндан тўлов деб ҳисобланиши мумкин.

Бунда экспорт божхона юк декларациясида қайд этилган янги узилган мева-сабзавот маҳсулотларининг фактура қийматига тузатишлар киритилмайди.

9. Ушбу Низомда назарда тутилмаган талаблар экспорт контрактлари ва уларни бажаришга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 сентябрдаги 416-сон қарори билан тасдиқланган Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида низом ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари қўлланади.

10. Экспорт божхона юк декларациясида мева-сабзавот маҳсулотларининг фактура қиймати инвойс валютасида кўрсатилади. Тижорат банклари томонидан ТСОЯЭАТга миллий валютадаги нақд маблағлар тўғрисида маълумотлар киритилган тақдирда, мева-сабзавот маҳсулотларининг миллий валюта эквивалентидаги умумий фактура қиймати божхона юк декларацияси қабул қилинган кунда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича ТСОЯЭАТда божхона расмийлаштируви учун қайд этилган суммадан ошмаслиги зарур.

3-боб. Мева-сабзавот маҳсулотларини ноҳалол экспорт қилувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш

11. ТСОЯЭАТга киритилган экспорт контракти бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган экспорт қилувчи реал вақт режимида автоматик равишда шаклланадиган ноҳалол экспорт қилувчилар реестрига (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) киритилади.

Тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик мавжуд контрактлар доирасида ушбу қарздорлик суммасидан кам бўлмаган миқдордаги хорижий валюта тушумлари тўғрисида маълумот ТСОЯЭАТга хизмат кўрсатувчи тижорат банки томонидан киритилгандан сўнг ноҳалол экспорт қилувчи реал вақт режимида шаклланадиган Реестрдан чиқарилади.

12. Реестрга киритилган ноҳалол экспорт қилувчига кейинги экспортини фақат 100 фоизли олдиндан тўлов шarti асосида амалга оширишига йўл қўйилади.

13. Реестр тижорат банклари ва божхона органлари томонидан ТСОЯЭАТга киритилган маълумотлар асосида автоматик равишда электрон тарзда шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан юритилади.

Реестр хизмат кўрсатувчи банкнинг ва экспорт қилувчининг номлари, экспорт қилувчининг солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР), контрактнинг рақами, санаси ва идентификация рақами, тўлов муддати ўтган дебитор қарздорлик суммаси тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Реестр Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жойлаштирилади.

ди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг веб-сайтлари билан интеграция қилинади.

Экспорт қилувчи тўлов муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлиги мавжуд контрактлари бўйича маълумотларни ўзининг электрон калитидан фойдаланган ҳолда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг веб-сайтларидан олиши мумкин.

4-боб. Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилувчиларининг экспорт операцияларига хизмат кўрсатиш

14. Экспорт операцияларига тижорат банклари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хизмат кўрсатади.

Тижорат банклари:

экспорт қилувчи зарур ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда тақдим этган пайдан бошлаб бир иш куни давомида унга хорижий валютада талаб қилиб олинган депозит ҳисобварақ очишга;

экспорт контракти ёки инвойс бўйича экспорт қилувчининг банк ҳисобварағига келиб тушган пул маблағлари ҳақидаги маълумотларни ТСОЯЭАТга киритиш учун масъулдирлар.

Маблағлар келиб тушганлиги тўғрисидаги маълумотлар ТСОЯЭАТга тижорат банклари томонидан тўлов валютасида киритилади.

5-боб. Яқунловчи қоида

15. Ушбу Низом қоидалари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 23 февралдаги 163-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни экспорт қилишни тартибга солиш механизми янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 28 августдаги 249-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 8-сон, 75-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 15 июндаги 207-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзагроэкспорт» АЖ томонидан олдиндан тўловсиз мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин бўлган етакчи чет эл импорт қилувчи ташкилотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 10 августдаги 609-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Янги узилган, қуритилган ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 14 декабрдаги 984-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 287-модда).

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестстрой» АЖ фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 7 июндаги 430-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 12-сон, 287-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2018 йил 8 январдаги 16-сон қарори иловасининг 10-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 56-модда).

7. Вазирлар Маҳкамасининг ««Ўзагроэкспорт» АЖ ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси олдиндан тўловсиз, тасдиқланган банк аккредитиви очилмасдан ёки биринчи даражали хорижий банк кафолати расмийлаштирилмасдан мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиши мумкин бўлган етакчи хорижий импорт қилувчи ташкилотлар рўйхатига қўшимчалар киритиш ҳақида» 2018 йил 9 октябрдаги 814-сон қарори.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 27 ноябрдаги 963-сон қарори иловасининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 12-сон, 287-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**152** Тadbиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқариш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 17 октябрдаги ПҚ–3978-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, тadbиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Тadbиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси А.Х. Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 февраль,
167-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 25 февралдаги 167-сон қарорига
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида
мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш
жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил
конструкцияли инфратузилма объектларни қуриш учун
ер участкаси ажратиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом тадбиркорлик субъектларининг ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектларини, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаси ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари қишлоқ хўжалигини юритиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун ҳамда лойиҳаларни эркин иқтисодий зоналарда амалга оширадиган инвесторлар учун берилган ер участкаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Енгил конструкцияли инфратузилма объектлари, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуришга ер участкалари фақат ушбу қурилишни амалга оширишга талабгор бўлган тадбиркорлик субъектларининг ер участкалари доирасида ҳамда ер ижараси шартномасида белгиланган муддатга ажратилади.

Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқ бекор бўлганда енгил конструкцияли инфратузилма объектлари, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқ ҳам бир вақтнинг ўзида бекор бўлади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи — ушбу Низом талабларига мувофиқ енгил конструкцияли инфратузилма объектлари, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаси ажратиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига мурожаат қилган тадбиркорлик субъектлари;

ваколатли орган — қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун ер участкалари ажратиш ваколатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шунингдек, туман (шаҳар) ҳокимликлари;

енгил конструкцияли инфратузилма объектлари (кейинги ўринларда енгил конструкцияли объект деб аталади) — енгил конструкциялардан барпо этилган, чуқурлаштирилган пойдеворларга ва ер ости иншоотларига (0,5 метрдан кўп) эга бўлмаган, бузиб олиб (бартараф этиб) кўчириш имконияти мавжуд мева-сабзавот маҳсулотларини суғориш, тайёрлаш ва

сақлаш мақсадида, шунингдек, капитал ҳисобланмаган омбор сифатида ишлатиладиган бино ва иншоотлар;

енгил конструкцияли иссиқхона — ернинг устки қатламига зарар етказилмасдан ихчам металл ёки ёғоч конструкциялардан фойдаланиб плёнка билан ёпиладиган иссиқхона;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс эттириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

ижрочи — ушбу Низомга мувофиқ енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкалари ажратиш материалларини тайёрлаш ва келишиш ишларини амалга оширувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг тегишли туман (шаҳар)лардаги филиаллари.

5. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида мева-сабзавот маҳсулотларини бевосита уларни етиштириш жойларида суғориш, тайёрлаш ва сақлаш бўйича енгил конструкцияли инфратузилма объектлари, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер ажратиш ушбу Низомга илова* қилинган схема бўйича амалга оширилади.

2-боб. Енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш бўйича ариза бериш

6. Тадбиркорлик субъекти ер участкасига енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун аризани шахсан ёки почта алоқаси воситаси орқали туман (шаҳар) ҳокимликларига беради (юборади).

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали берилган аризалар туман (шаҳар) ҳокимликларига автоматик равишда юборилади.

7. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Тадбиркорлик субъектидан ушбу бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни ва бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

8. Туман (шаҳар) ҳокимлиги тушган аризани бир иш куни мобайнида кўриб чиқади ва уларда камчиликлар аниқланмаган тақдирда ариза ҳамда тегишли ҳужжатларни шу куннинг ўзида ижрочига юборади.

9. Туман (шаҳар) ҳокимлиги ариза ва ҳужжатларда тегишли камчиликларни аниқлаган тақдирда, тадбиркорлик субъектига ариза тушган куннинг эртасидан кечиктирмай камчиликларни аниқ кўрсатган ҳолда асосланган ёзма

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хабар беради. Ушбу хабарда ариза ва ҳужжатлардаги камчиликлар тегишли қонун ҳужжатлари нормаларига асосланган ҳолда баён этилиб, уларни бартараф этиш ва аризани қайта тақдим этиш муддатлари кўрсатилади.

Ариза кўрсатилган камчиликлар бартараф этилган ҳолда қайта тақдим этилган тақдирда, туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан шу куннинг ўзида ижрочига юборилади.

3-боб. Енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкалари ажратиш материалларини тайёрлаш ва келишиш тартиби

10. Ижрочи беш иш куни мобайнида енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаси ажратиш материалларини тайёрлайди ва уларни келишиш учун бир иш куни мобайнида ваколатли органларга юборади.

11. Ижрочи томонидан ер участкаси ажратиш материалларини тайёрлаш давомида:

енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун жойлашадиган ер майдони аниқланади;

ер тузиш ҳужжатлари, ер кадастрлари маълумотлари ўрганилади;

енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектига ажратилган ерлардаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлардан берилади;

ер участкаларини танлашда боғ ва узумзорлар ҳамда бошқа дарахтзорлар бузиб ташланишига йўл қўймаслик, сув хўжалиги объектларидан, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларидан фойдаланишда ноқулайликлар яратмаслик ҳолатлари инобатга олинади.

12. Ижрочи тайёрланган енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаларини танлаш материалларини қўйидаги ваколатли орган (ташкилот)ларга:

а) ҳулоса олиш учун:

туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига;

туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) ёнғин хавфсизлиги бўлимига;

туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология назорати марказига;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасига, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларига;

б) келишиш учун:

туман (шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимига;

туман (шаҳар) ирригация бўлимига;

тегишли ҳудудлар ва иншоотлардан режим асосида фойдаланадиган ҳамда уларни эксплуатация қиладиган ташкилотларга юборади.

13. Ваколатли органлар тақдим этилган материалларни уч иш куни мобайнида келишади ёки тегишли ҳулосалар беради.

14. Ваколатли органлар тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги хулосалардан бирини чиқаради:

енгил конструкцияли объектлар ҳамда (ёки) енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкалари ажратишнинг мақсадга мувофиқлиги;

енгил конструкцияли объектлар ҳамда (ёки) енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкалари ажратишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги.

Ушбу банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган хулоса чиқарилган тақдирда, ушбу хулосада ер участкасидан фойдаланиш, шаҳарсозлик, табиатни муҳофаза қилиш, ёнғинга қарши талаблар, шунингдек, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этиш талаблари баён этилади.

Ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган хулоса чиқарилган тақдирда, ушбу хулосада тегишли қонун ҳужжатининг аниқ нормаларига асосланган ҳолда бўш ер участкасини ажратиш имкони йўқлигининг сабаблари кўрсатилади.

15. Туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими хулосасида қуйидагилар кўрсатилади:

енгил конструкцияли объект, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қурилиши учун танланган ер эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг номи;

ер участкасининг ер тури ва сифат тавсифлари;

тупрокнинг унумдор қатламини кўчириб олишнинг зарурлиги;

ер эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачилардан ер участкасини олиб қўйишнинг шартлари (мавжуд бўлса).

16. Ер участкасига енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун материалларни келишиш ва (ёки) улар бўйича хулосалар бериш учун ваколатли органлар томонидан тўлов ундирилмайди.

17. Ижрочи ваколатли органлардан тегишли хулосаларни олган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун келишилган материаллар асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг (кейинги ўринларда туман (шаҳар) комиссияси деб аталади) далолатномасини ва туман (шаҳар) ҳокимининг қарори лойиҳасини тайёрлайди.

Ер участкасида енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш бўйича далолатнома фақат туман (шаҳар) комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

18. Енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаси ажратиш бўйича қуйидаги материаллар ижрочи томонидан туман (шаҳар) ҳокимига кўриб чиқиш учун киритилади:

туман (шаҳар) ҳокимининг туман (шаҳар) қурилиш бўлими, қишлоқ хўжалиги бўлими, ирригация бўлими ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан келишилган қарори лойиҳаси;

ваколатли органларнинг енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш бўйича хулосалари;

енгил конструкцияли объектларни, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналарни қуриш бўйича туман (шаҳар) комиссияси далолатномаси.

19. Туман (шаҳар) ҳокими ўз ваколати доирасида енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналарни қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисида икки иш куни мобайнида қарор қабул қилади ва ижрочиға тақдим этади.

20. Туман (шаҳар) ҳокимининг енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаси ажратиш тўғрисидаги қарорида қўйидагилар акс эттирилиши керак:

енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриладиган ер участкаси кимга, қандай мақсадлар учун ва қанча муддатга (ер вақтинча фойдаланишга ва ижарага берилганда аниқ муддати кўрсатилади) берилади, шунингдек, уларни қуриш шартлари;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш нобудгарчиликлари микдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари (мавжуд бўлганда);

тупроқнинг унумдор қатламини кўчириб олиш тақиқланганлиги;

сув муҳофазаси, экологик, ёнғинга қарши шартлар ва талаблар, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари (зарурат бўлганда).

21. Енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкаси қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ерларидан ажратилган тақдирда, ер участкаларини ажратиш бўйича материаллар ва туман (шаҳар) ҳокимлигининг таклифлари бир иш кунинда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ёки вилоят ҳокимлигига кўриб чиқиш учун юборилади.

Ушбу таклифлар ҳамда тегишли хужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия томонидан кўриб чиқилиб, ушбу ер участкасини енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун беришнинг мақсадга мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида хулоса берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг ижобий хулосасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг тегишли қарори қабул қилинади.

Қўйидаги ҳолатларда:

қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг, энг аввало, суғориладиган ерларнинг алоҳида муҳофаза этилишини ҳамда улардан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланишни таъминлаш мақсадида;

ёнғинга қарши, табиатни муҳофаза қилиш талаблари, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативлари бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда;

улардан ер участкалари олиб қўйилаётган ер участкалари эгалари, фой-

даланувчилари, ижарачилари ёки мулкдорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганда енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкасини ажратиш рад этилиши мумкин.

22. Тадбиркорлик субъектларига ажратилган ер участкаларида енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш ишлари тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида, белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Ер ажратиш бўйича материалларни тайёрлаганлик ва келишганлик учун ариза берувчидан Вазирлар Маҳкамасининг «Кадастр ҳужжатларини тайёрлаш бўйича давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорига мувофиқ белгиланган миқдорда тўлов ундирилади.

Ушбу тўлов ваколатли органнинг енгил конструкцияли объектлар ҳамда енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг ариза берувчи томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ажратилган, ер участкаларидан мақсадсиз (бошқа турдаги пойдевор (фундамент) қуйиб қурилган бинолар қурилганда, тупроқнинг устки қатлами қазиб олинганда) фойдаланилган тақдирда, ушбу қурилмалар ердан фойдаланувчи томонидан ўз ҳисобидан буздирилиб, ушбу ер участкалари фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилади.

25. Енгил конструкцияли объектлар, шунингдек, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун ер ажратиш материалларини келишишни амалга оширувчи туман (шаҳар) ҳокимликларининг ва бошқа ваколатли ташкилотларнинг мансабдор шахслари ушбу Низом талабларининг бузилганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**153 Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларига ўзгартириш киритиш тўғрисида***

Республика тиббиёт муассасаларининг ташкилий-инфратузилмавий салоҳиятини такомиллаштириш, хорижий фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари томонидан ташхис қўйиш ва даволаш сифати стандартларига риоя қилган ҳолда аҳолига пулли асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш қоидаларининг 20-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«20. Хорижий фуқаролар кўрсатилган тиббий хизматлар учун ҳақни белгиланган тартибда тасдиқланган тарифлардан оширилган миқдорда рақобатбардош бозор нархларидан келиб чиқиб миллий валюта — «сўм»да тўлайдилар.

Хорижий фуқаролар учун тарифларнинг оширилган миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда Марказлар томонидан белгиланади.

Бунда, хорижий фуқароларни даволаш муассасасига жалб қилишда воситачилик хизматларини амалга оширган юридик шахсларни рағбатлантириш шартномага мувофиқ оширилган тарифлар бўйича хорижий мижозларга тиббий хизматлар кўрсатишдан тушган тушумлар ҳисобига амалга оширилади».

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 февраль,
168-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****154 Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби
тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-3*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ–5582-сон «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 29 февралдаги 01-02/15-07-сон қарори (рўйхат рақами 2773, 2016 йил 6 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 14-сон, 133-модда) билан тасдиқланган Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис**М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 22 февраль,
01-02/15-15-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 25 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
22 февралдаги 01-02/15-15-сон қарорига
ИЛОВА

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Муқаддимадаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги 605-сон «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 1-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «мутахассис» деган сўз «мутахассис ёхуд бошқа шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 18-банддан «ва божхона брокери ёки декларантнинг мухри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланади» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4. 21-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С.»»

5. 22-бандда:

а) 2-кичик бандда:

тўртинчи хатбошидаги «, телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи хужжат» деган сўзлар «ҳамда телефон рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Самарқанд вилояти, Самарқанд шах., Шердор кўч., 6-уй, 8-хонадон, телефон:

8-366-999-99-99»;

ўн тўққизинчи — йигирма биринчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг юқори ўнг бурчагида «№» белгисидан сўнг, агар юкни жўнатувчи:

жисмоний шахс — резидентлар бўлса — «00000001» коди;

жисмоний шахс — норезидентлар бўлса — «00000002» коди;»;

қуйидаги мазмундаги йигирма иккинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари бўлса «99999999» коди;

халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари, хорижий

давлатлар ҳукумат ташкилотларининг иқтисодий, техник ҳамкорлик, гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхоналари, доимий муассасалар бўлса «88888888» коди кўрсатилади;

мазкур кичик банднинг йигирманчи — йигирма учинчи хатбошиларида кўрсатилмаган шахслар бўлса, маълумот кўрсатилмайди.»;

йигирма иккинчи ва йигирма учинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма бешинчи ва йигирма олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 7-кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «, телефон рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати» деган сўзлар «ҳамда телефон рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг, агар шахслар:»;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахс — резидентлар бўлса — «00000001» коди;

жисмоний шахс — норезидентлар бўлса — «00000002» коди;

хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари бўлса «99999999» коди;

халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг иқтисодий, техник ҳамкорлик, гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхоналари, доимий муассасалар бўлса «88888888» коди кўрсатилади;

мазкур кичик банднинг тўртинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилмаган шахслар бўлса, маълумот кўрсатилмайди.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 11-кичик банднинг учинчи хатбошидаги «КТУТ коди» деган сўзлар «СТИРи» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

г) 15-кичик банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1» — агар товарлар контейнерда олиб ўтилаётган ёки товар сифатида контейнер расмийлаштирилади бўлса;»;

д) 16-кичик бандда:

тўртинчи хатбошидан «, қавс ичида географик пункт жойлашган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ ҳарfli коди кўрсатилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — йигирманчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи хатбошидан «(RU)» қисқартмаси чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбошидан «(KZ-UZ)» қисқартмалар чиқариб ташлансин;

е) 17-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

ж) 21-кичик банддан учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

з) 23-кичик банддан бешинчи — еттинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

и) 26-кичик банддан ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

к) 31-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

л) 36-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «графада унинг коди (166) кўрсатилади» деган сўзлар «графа тўлдирилмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 39-кичик бандда:

ўн биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) товарнинг божхона расмийлаштируви амалга ошириладиган контракт (шартнома, келишув) рақами ва санаси.»;

ўн учинчи хатбошидан «, қиймати 1000000 АҚШ долл.» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи — ўттиз учинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи — ўттиз биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирманчи хатбошидаги «МВЭСИТ» қисқартмаси «МИВТ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

н) 40-кичик банднинг тўртинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси талабларига мувофиқ аниқланади.»;

о) 46-кичик банднинг ўн тўртинчи хатбошисидан «ва божхона брокери ёки декларантнинг мухри (мухр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

п) 47-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. 24-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қўйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С».».

7. 25-бандда:

а) 6-кичик бандда:

тўртинчи хатбошидаги «, телефон рақами ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжат» деган сўзлар «ҳамда телефон рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи — йигирма иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

ўн саккизинчи — йигирманчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг юқори ўнг бурчагида «№» белгисидан сўнг агар юкни қабул қилувчилар:

жисмоний шахс — резидентлар бўлса — «00000001» коди;

жисмоний шахс — норезидентлар бўлса — «00000002» коди;

қўйидаги мазмундаги йигирма биринчи — йигирма тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари бўлса «99999999» коди;

халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг иқтисодий, техник ҳамкорлик, гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхоналари, доимий муассасалар бўлса «88888888» коди кўрсатилади;

мазкур кичик банднинг ўн саккизинчи — йигирма биринчи хатбошиларида кўрсатилмаган шахслар бўлса, маълумот кўрсатилмайди.»;

йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигирма тўртинчи ва йигирма бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 7-кичик бандда:

иккинчи хатбошидаги «, телефон рақами ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати» деган сўзлар «ҳамда телефон рақами» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг юқори қисмида «№» белгисидан сўнг, агар шахслар:»

қуйидаги мазмундаги тўртинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«жисмоний шахс — резидентлар бўлса — «00000001» коди;

жисмоний шахс — норезидентлар бўлса — «00000002» коди;

хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари бўлса «99999999» коди;

халқаро ҳукуматлараро ташкилотларнинг ваколатхоналари, хорижий давлатлар ҳукумат ташкилотларининг иқтисодий, техник ҳамкорлик, гуманитар ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхоналари, доимий муассасалар бўлса «88888888» коди кўрсатилади;

мазкур кичик банднинг тўртинчи — еттинчи хатбошиларида кўрсатилмаган шахслар бўлса, маълумот кўрсатилмайди.»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишли равишда тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) 11-кичик банднинг учинчи хатбошидаги «КТУТ коди» деган сўзлар «СТИРи» қисқартма билан алмаштирилсин;

г) 15-кичик банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1» — агар товарлар контейнерда олиб ўтилаётган ёки товар сифатида контейнер расмийлаштирилади бўлса»;

д) 16-кичик бандда:

тўртинчи хатбошидан «, қавс ичида географик пункт жойлашган мамлакатнинг Дунё мамлакатлари таснифлагичига мувофиқ харфли коди кўрсатилади» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда бешинчи — еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидан «(RU)» қисқартма чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошидан «(KZ-UZ)» қисқартмалар чиқариб ташлансин;

е) 23-кичик банднинг бешинчи — еттинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

ж) 26-кичик бандда:

қуйидаги мазмундаги ўн саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«7 рақам остида озик-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларининг яроқлилик (фойдаланиш) муддати кўрсатилади. Электрон БЮДда ушбу маълумотлар алоҳида ажратилган майдончада кўрсатилади»;

ўн саккизинчи — йигирма учинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўққизинчи — йигирма тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирма учинчи ва йигирма тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

з) 31-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

и) 36-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «графада унинг коди (166) кўрсатилади» деган сўзлар «графа тўлдирилмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 39-кичик бандда:

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«в) товарнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилаётган контракт (шартнома, келишув) унинг рақами ва санаси»;

ўн учинчи хатбошидан «, қиймати 1000000 АҚШ долл.» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

ўн тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн бешинчи — ўттиз олтинчи хатбошилар тегишли равишда ўн тўртинчи — ўттиз бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирманчи хатбошидаги «МВЭСИТ» қисқартмаси «МИВТ» қисқартмаси билан алмаштирилсин;

л) 46-кичик банднинг ўн тўртинчи хатбошисидан «ва божхона брокери ёки декларантнинг мухри (мухр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

м) 47-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 26 ва 27-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Товарларни реэкспорт божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

27. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54 графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

9. 28-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«28. БЮДнинг «С» графасининг тўлдирилиши қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:»;

1-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

10. 29 ва 30-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. Товарларни реимпорт божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг куйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

30. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54 графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

11. 31-бандда:

биринчи хатбошидан «, 44» рақами чиқариб ташлансин;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

12. 32 ва 33-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«32. Товарларни вақтинчалик олиб кириш божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг куйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

33. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 45, 46, 49, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

13. 34-бандда:

биринчи хатбошидан «36,» рақами чиқариб ташлансин;

1-кичик банднинг иккинчи хатбошисидан «(товарларни вақтинчалик олиб кириш учун рухсатнома олган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

14. 36 ва 37-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«36. Товарларни вақтинчалик олиб чиқиш божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг куйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

37. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 38, 40, 41, 42, 43, 45, 46, 49, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

15. 38-бандда:

биринчи хатбошидан «36,» рақами чиқариб ташлансин;

1-кичик банднинг иккинчи хатбошисидан «(товарларни вақтинчалик олиб чиқиш учун рухсатнома олган)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

16. 40 ва 41-бандлар куйидаги тахрирда баён этилсин:

«40. Товарларни вақтинчалик сақлаш божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг куйидаги графалари тўлдири-

лади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

41. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 47, 54 графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

17. 43 ва 44-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Товарларни божхона омбори божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 12, 13, 14, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54 ва «С».

44. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 12, 13, 14, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 47, 54 графалари товарларни олиб чиқишда мазкур Йўриқноманинг 22-бандига, олиб киришда — 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

18. 46 ва 47-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«46. Ўзбекистон товарларини эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С».

47. БЮДнинг 2, 3, 5, 7 (пост коди), 9, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига, 8-графа эса 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

19. 48-банднинг 1-кичик бандидан тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

20. 49 ва 50-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Чет эл товарларини эркин божхона зонаси божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С».

50. БЮДнинг 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

21. 51-банд 1-кичик бандининг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

22. 57 ва 58-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«57. Ўзбекистон товарларини эркин омбор божхона режимига расмийлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди) 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

58. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди) 8, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 46, 47, 49, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.».

23. 60 ва 61-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«60. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ташқарисидан олиб кирилиб, эркин омбор божхона режимига жойлаштирилادиган товарларни расмийлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

61. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 43, 47, 50, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.».

24. 66 ва 67-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«66. Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кирилган ёки ушбу ҳудудга олиб кирилиб бошқа божхона режимига жойлаштирилган (эркин муомалага чиқариш (импорт) божхона режими бундан мустасно) товарларни бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54, «С».

Бунда БЮДнинг 1, 3, 5, 7 (пост коди), 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 50, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.

67. Ўзбекистон товарларини бож олинмайдиган савдо божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 49, 50, 54.

Бунда БЮДнинг 1, 3, 5, 7 (пост коди), 11, 12, 13, 14, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 50, 54 мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.».

25. 69 ва 70-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«69. Товарларни божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қуйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С».

70. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 17, 17а, 18, 19, 20, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 39, 40, 41,

43, 44, 46, 48, 49, 54 ва «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 22-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

26. 71-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«71. БЮДнинг 42, 45, 47, 50-графаларининг тўлдирилиши қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:»;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

3-кичик банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графанинг ўнг бўлмасида ташқи савдо контракти (шартномаси, келишуви) валютасида 31-графада декларацияланаётган товарнинг божхона қиймати кўрсатилади. Божхона қиймати Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига белгиланган товарларнинг божхона қийматини аниқлаш усулларига мувофиқ ҳисобланади.»

27. 76 ва 77-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«76. Декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қўйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 42, 44, 45, 46, 47, 48, 49, 50, 54, «С».

77. БЮДнинг 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 11, 12, 13, 14, 15, 15а, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 24, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34, 35, 37, 38, 39, 40, 41, 44, 48, 49, 54, «С» графалари мазкур Йўриқноманинг 25-бандига мувофиқ тўлдирилади.»

28. 78-бандда:

биринчи хатбошидан «44,» рақами чиқариб ташлансин;

2-кичик банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

29. 84-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада қўшимча равишда, 817 тартиб рақами остида давлат фойдасига воз кечиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш далолатномаси рақами ва санаси кўрсатилади.»;

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

30. 85-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларида «В,» ҳарфи чиқариб ташлансин;

31. 86-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Графада қўшимча равишда, 818 тартиб рақами остида йўқ қилиш божхона режимига жойлаштирилган товарларни топшириш далолатномаси рақами ва санаси кўрсатилади.»;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

32. 87-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«87. Товарларни божхона транзити божхона режимига жойлаштиришда декларацияловчи шахс томонидан БЮДнинг қўйидаги графалари тўлдирилади: 1, 2, 3, 5, 7 (пост коди), 8, 9, 13, 14, 15, 15а, 17, 17а, 18, 19, 21, 22, 23, 25, 26, 28, 29, 31, 32, 33, 35, 37, 38, 40, 41, 42, 44, 46, 47, 50, 51, 54.»

33. 88-бандда:

а) 1-кичик банднинг тўртинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

б) 9-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «КТУТ коди» деган сўзлар «СТИРи» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

в) 15-кичик банднинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«1» — агар товарлар контейнерда олиб ўтиладиган ёки товар сифатида контейнер расмийлаштирилаётган бўлса»;

г) 19-кичик бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Графада Транспорт турлари таснифлагичига мувофиқ товарлар амалда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган транспорт воситаси турининг коди кўрсатилади»;»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

д) 30-кичик банднинг учинчи хатбошисидаги «графада унинг коди (166) кўрсатилади» деган сўзлар «графа тўлдирилмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

34. 89-банддан «В» ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

35. 90-бандда:

1-кичик банднинг бешинчи хатбошисидаги «мутахассис» деган сўз «декларацияловчи шахс» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5-кичик банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

36. 1-иловадан 21, 36 ва В графалар чиқариб ташлансин.

37. 2-иловадан 36-графа чиқариб ташлансин.

11-илова рус тилидаги матнининг 66-позицияси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	66.	Вывоз товаров со свободных складов за пределы территории Республики Узбекистан.	050	».
---	-----	---------------------------------------------------------------------------------	-----	----

38. 12-иловада:

а) 21-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	21.	Ветеринария сертификати (гувоҳномаси)	404	ВТРС	»;
---	-----	---------------------------------------	-----	------	----

б) қуйидаги мазмундаги 38¹ — 38³ позициялар билан тўлдирилсин:

«	38 ¹ .	Халқаро лабораторияларни аккредитация қилиш ташкилоти (ИЛАС) мувофиқлик сертификати ёки синов баённомаси	422	ИЛАК	»;
	38 ² .	Халқаро аккредитация қилиш форуми (ИАФ) мувофиқлик сертификати ёки синов баённомаси	423	ИАФ	
	38 ³ .	Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо давлатларнинг аккредитациядан ўтган органлари томонидан берилган мувофиқлик сертификати	424	ОЭСР	

в) 39-позиция қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«	39.	Контракт Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида сертификат ёки хулоса	501	PerМИВТ	»;
---	-----	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----	---------	----

г) 41-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 41.	Контракт «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКда рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида сертификат ёки хулоса	503	PerЦМЭП	»;
-------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-----	---------	----

д) 42-позиция чиқариб ташлансин;

е) 69-позициядан сўнг қуйидаги мазмундаги 69¹ — 69⁷ позициялар билан тўлдирилсин:

« 69 ¹ .	Мувофиқлик сертификатисиз божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси*	851	БССТ	
69 ² .	Ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ўлчаш воситаларига икки ой давомида сертификат олиши ҳақидаги кафолат хати	852	ГПДС	
69 ³ .	Карантин кўриги далолатномасисиз божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси*	853	БКД	
69 ⁴ .	Ветеринария сертификатисиз божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси*	854	БВС	
69 ⁵ .	Санитария-эпидемиология хулосасисиз (гигиена сертификати) божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси*	855	БГС	
69 ⁶ .	Экология сертификатисиз божхона расмийлаштирувини амалга оширишга асос бўлган ҳужжат рақами ва санаси*	856	БЭС	
69 ⁷ .	Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатининг комплекс экспертизаси якунлари бўйича Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» давлат унитар корхонасининг ижобий хулосаси	857	ЗМЭП	»;

ж) қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«* Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларининг олиниши талаб этилмаслиги белгиланган ҳолатларда тўлдирилади.».

39. 14-илованинг изоҳи иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»ги Қонунига асосан халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, акт, пакт, баённома, хатлар ва ноталар алмашуви ҳамда халқаро шартноманинг бошқа номлари ва тузилиш усуллари деб номланиши ва шундай кўринишда тузилиши, шунингдек, бошқача номланиши мумкин.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

155 «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида
кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг
4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Микромолиялаш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3021/1333-сон) билан тасдиқланган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«4. Кредитларнинг фоиз ставкаси йиллик 8 фоиз миқдориди белгиланади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

156 Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ–516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2000 йил 24 июнда 472-сон (рўйхат рақами 943, 2000 йил 5 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 13-сон) билан тасдиқланган Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 февралдаги 3/12-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 3¹.1-банднинг иккинчи хатбошисидаги «ва терроризмни» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 4.2-банднинг биринчи хатбошисидаги «, Марказий банк билан келишилган ҳолда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING ҚАРОРИ

157 Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 390-3*

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси 1997 йил 10 декабрдаги 05/8-374-сон (рўйхат рақами 390, 1998 йил 13 январь) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқноманинг 3.8²-банди саккизинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ҳисобварақ бўлмаганда 1-усул қўлланилмайди ва божхона қиймати бошқа усуллар билан аниқланади.».

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 февраль,
01-02/8-13-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

158 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестация-
дан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгар-
тириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5650-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–5519-сон Фармони)»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПК–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 264-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2919, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 933-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Низом талаблари:

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг бошқарув ходимларига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари ходимларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига нисбатан татбиқ этилмайди.».

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баёнома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Х. Мелиев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
76-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**159** Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5650-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5519-сон Фармони)»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **бюроман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 февралдаги 42-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2864, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 9-сон, 140-модда) билан тасдиқланган Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-банди тўртинчи хатбошисидаги «Девони» деган сўз «Администрацияси» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Х. Мелиев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
77-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

160 Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5650-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-5519-сон Фармони)»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 28 августдаги 265-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2920, 2017 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 934-модда) билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

дан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Х. Мелиев зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 26 февраль,
78-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги
78-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат
ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мазкур Низом талаблари:

Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг бошқарув ходимларига;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари ходимларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига нисбатан татбиқ этилмайди.»

2. 3-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг тавсияномасига кўра Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган мартаба даражаларига

эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг бошқарув ходимларига;».

3. 3-банднинг «б» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси адлия органлари ва муассасаларидан ишга ўтган ёки адлия органлари ходимлари учун белгиланган тартибда берилган мартаба даражаларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси бошқарув ходимларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, Вазирлар Маҳкамасининг юридик хизматлари ходимларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчисининг ҳуқуқий экспертиза масалалари бўйича ўринбосарига ҳамда унинг аппарати етакчи мутахассисига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили ва унинг аппарати мутахассисларига мартаба даражалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларининг мартаба даражалари тўғрисидаги низомда ҳамда мазкур Низомда белгиланган тартибда берилади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

161 Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралда-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

ги 41-сон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 1 майдаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 2363, 2012 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 222-модда) билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 январь,
24-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2019 йил
28 январдаги 24-сон буйруғига
ИЛОВА

**Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни
Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча
прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банддаги «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 37-сон, 375-модда)» ҳамда «(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 16-сон, 179-модда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 2¹-банд билан тўлдирилсин:

«2¹. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори билан тасдиқланган Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-илоvasида назарда тутилган Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар рўйхатида (кейинги ўринларда Рўйхат деб юритилади) кўрсатилган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.»

3. 3-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Хорижий давлатлардан келган, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида камида бир йил яшаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшашга рухсат олиш учун туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими)нинг (кейинги ўринларда ТШИИБ деб юритилади) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (кейинги ўринларда МваФРБ деб юритилади) мурожаат этиши мумкин. Бунинг учун улар ТШИИБ МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманинг 1-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;

чет эл фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати;

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

никоҳ тузилганлиги, бола туғилганлиги, ота-онанинг вафот этганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

тегишли давлат ҳокимияти органи, давлат ёки хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг илтимосномаси (Рўйхатнинг 6-банди бўйича доимий прописка қилиш чоғида);

хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ёки хорижий давлатнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, консуллик муассасаси томонидан берилган, аввалги яшаш жойи бўйича судланмаганлиги тўғрисида маълумотнома (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлардан келган хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун);

35 х 45 мм ўлчамли иккита фотосурат;

ҳужжатларнинг кўриб чиқилганлиги ва расмийлаштирилганлиги учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.».

4. 4-банддаги, 28-банднинг еттинчи хатбошисидagi, 30, 41 ва 49-бандлардаги ҳамда 4-иловадаги «ХЧКваФРБ» деган қисқартмалар «МваФРБ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

5. 5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. ТШИИБ МваФРБ ҳужжатлар қабул қилингандан сўнг икки ҳафта муддатда уларни расмийлаштиради ҳамда ариза берувчининг вақтинча яшаш жойи бўйича у ҳақиқатда ушбу манзилда яшаётганлигини аниқлаш бўйича ўрганиш ўтказади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (кейинги ўринларда ИИБ деб юритилади) Тезкор маълумотлар бошқармасидан ва тегишлилиги бўйича Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг (кейинги ўринларда Тошкент шаҳар ИИББ деб юритилади) ва Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг (кейинги ўринларда ИИБ деб юритилади) Манзил маълумотнома бюросидан (кейинги ўринларда ММБ

деб юритилади) ариза берувчи ва турар жой эгасига доир тегишли маълумотлар сўраб олинади.

ТШИИБ МваФРБ томонидан барча ҳужжатлар олингач, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан шахсий йиғма иш жилди очилади ҳамда тўпланган ҳужжатлар бўйича маълумотнома тайёрланиб шахсий йиғма иш жилди билан бирга Тошкент шаҳар ИИББнинг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига (кейинги ўринларда ИИББ МваФРБ деб юритилади) ёки Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармасининг Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига (кейинги ўринларда ИИББ МваФРБ деб юритилади) юборилади.

ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБ томонидан уч иш кунни мобайнида тақдим этилган ҳужжатлар текширилади ва материаллар тегишли ваколатли органга юборилади.

6. Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда ИИББ МваФРБ ва ИИБ МваФРБ томонидан ўн кунлик муддатда ИИББ ёки ИИБ бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрланади ва материаллар ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасига (кейинги ўринларда ИИБ МваФРБ деб юритилади) якуний қарор чиқариш учун юборилади.

ИИБ МваФРББ ушбу масалани ҳал этишда тегишли ваколатли органнинг фикр-мулоҳазасини, зарурият бўлганда эса — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хулосасини сўраб олади ва бир ой муддат мобайнида ИИБ ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор чиқаради. Қарор чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда тегишлилиги бўйича ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБга ижро учун юборилади.»

6. 8-банддаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

7. 9-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» деган қисқартма «МваФРБ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРББга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

8. 10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (1992 йил 28 июль) кучга киргандан кейин Ўзбекистон Республикасига келган ва собиқ СССР намунасидаги паспортларга эга бўлган ёки уларни йўқотган, шунингдек, ҳужжатларга эга бўлмаган (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома бундан мустасно) ва Рўйхатга кирувчи узок вақт Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида яшаётган шахслар шахсини тасдиқловчи ҳужжат олиш масаласи бўйича тегишли ТШИИБ МваФРБга мурожаат қилиб, қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

собиқ СССР иттифоқи паспорти ёки туғилганлик тўғрисида гувоҳнома,

ушбу ҳужжатлар бўлмаганда ҳарбий гувоҳнома ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

Ўзбекистон Республикасида таълим олганлиги ёки меҳнат қилганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар ва маълумотномалар (агар мавжуд бўлса).».

9. 11-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРББга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «ХЧКваФРБ» деган қисқартма «МваФРБ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Рўйхатга кирмайдиган, Йўриқноманинг 10-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар, тегишли ҳужжатлар (фуқаролиги йўқ шахс учун яшаш гувоҳномаси ёки фуқаролиги йўқ шахс учун ҳаракатланиш ҳужжати) билан ҳужжатлаштирилиб, пойтахт минтақаси ёки республика ҳудудидан ташқарига чиқариб юборилади ҳамда бу ҳақида улардан мазкур Йўриқноманинг 5¹-иловасига мувофиқ мажбуриятнома олинади.».

10. 13-банднинг биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБга» ва «ХЧКваФРБ» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБга» ва «МваФРБ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

11. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган ҳамда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий пропискани расмийлаштириш учун ТШИИБ МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

мазкур Йўриқноманинг 5-иловасига мувофиқ шаклда икки нусхада ариза-анкета;

яшаш гувоҳномаси;

уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;

никоҳ тузилганлиги, бола туғилганлиги, ота-онанинг вафот этганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар, шунингдек, васийлик ёки ҳомийликни тасдиқловчи ҳужжатлар (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

тегишли давлат ҳокимияти органи, давлат ёки хўжалик бошқаруви органи, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилоти раҳбарининг илтимосномаси. (Рўйхатнинг 6-банди бўйича доимий прописка қилиш чоғида);

прописка қилинганлик учун давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.».

12. 17-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. ТШИИБ МваФРБ томонидан ҳужжатлар қабул қилиб олинганидан сўнг бир сутка мобайнида ариза берувчининг шахси мавжуд маълумот-

лар тўпламидан текширилади (текширув давомида ариза берувчининг шахсий маълумотлари аниқланмаса, унинг олдинги яшаш манзили бўйича сўровнома юборилиб, жавоби олинади) ва ҳужжатлар ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБга юборилади ва улар томонидан уч иш куни мобайнида тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб тегишли ваколатли органга юборилади.

Бир вақтнинг ўзида ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБ томонидан ўн кун муддат ичида ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармасидан ва ҳудудий ММБдан ариза берувчи ва турар жой эгасига доир маълумотлар сўраб олинади.

Тегишли ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБ томонидан ўн кун муддатда ИИББ ёки ИИБ бошлиғи ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарорни чиқаради.».

13. Қуйидаги мазмундаги 17¹ ҳамда 17²-бандлар билан тўлдирилсин:

«17¹. ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБ доимий прописка масаласи бўйича ижобий қарорга доир материалларни бир сутка ичида доимий пропискани расмийлаштириш учун тегишли ТШИИБ МваФРБга юборади.

17². ИИББ ёки ИИБнинг ижобий қарори Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан келган, яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискани расмийлаштириш учун асос ҳисобланади.

Яшаш гувоҳномасига эга бўлган ҳамда республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган, чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий прописка қилишни рад этиш тўғрисидаги қарор ТШИИБ МваФРБ ёки ИИББ МваФРБ, ИИБ МваФРБ томонидан қабул қилиниши мумкин.».

14. 18 — 22-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Яшаш гувоҳномасига эга бўлган ҳамда республиканинг бошқа минтақаларидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига келган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш рад этилган тақдирда ҳужжатлар уч иш куни мобайнида ТШИИБ МваФРБга қайтарилади, у бир сутка мобайнида ушбу қарорни аризага етказди. Аризачи рад жавоби берилганлиги ҳақидаги хабарни олгандан сўнг қолиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уч сутка мобайнида Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудини тарк этиши шарт.

Қуйидагилар юқорида кўрсатилган тоифадаги шахслар Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида кейинчалик вақтинча бўлишлари учун асос ҳисобланади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ сотиб олинган турар жой мавжуд бўлганда;
яқин қариндошлар (эр, (хотин), ота-она, фарзандлар) мавжуд бўлганда;
васийлар (ҳомийлар) мавжуд бўлганда;
меҳнат фаолияти билан шуғулланганда, таълим муассасаларида ўқиганда;
даволаш муассасаларида даволанаётганда.

19. Тошкент шаҳрида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шarti билан ўзгага бериш ва ҳады қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек, Тошкент шаҳридаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз кечиш ва ўзгага беришнинг бошқа усуллари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс:

Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга бўлса;

Тошкент шаҳри ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Рўйхатнинг 2, 3 ва 6-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланса ва доимий пропискиси борлиги тўғрисида ички ишлар органининг маълумотномасини тақдим этса.

20. Тошкент вилоятида уй-жойнинг олди-сотди битимларини, алмашиш, рента, умрбод таъминлаш шarti билан ўзгага бериш ва ҳады қилишни нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек Тошкент шаҳридаги турар жой ёхуд турар жой бўлмаган бино шаклидаги кўчмас мулкни (кўчмас мулкнинг бир қисмини) гаровга (ипотекага) қўйиш, воз кечиш ва ўзгага беришнинг бошқа усуллари қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар сотиб олувчи томон чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс:

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий пропискага эга бўлса;

Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ҳудудида камида уч йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган) ва Рўйхатнинг 2, 3 ва 6-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ва ички ишлар органининг доимий пропискиси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса.

21. Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган ва яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида бошқа манзилга доимий пропискага ўтиш масаласида мурожаат қилган тақдирда, ҳужжатлар ТШИИБ МваФРБда ваколатли органлар билан келишилмасдан кўриб чиқилади.

22. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минтақаларидан келган ҳамда бу минтақаларда доимий пропискадан ўтган, шунингдек, бошқа давлатлардан келган ва яшаш гувоҳномасини олган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган нархи энг кам ойлик иш ҳақининг 3300 бараваридан кам бўлмаган кўчмас мулкни банк ҳисобварақлари орқали ҳисобкитобларни амалга оширган ҳолда сотиб олишлари мумкин.

Ушбу Низомнинг мақсадларига кўра янги қурилган кўчмас мулк тоифасига туман (шаҳар) ҳокимининг қурилиши тугалланган бинони, иншоотни, уй-жойни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги комиссия далолатномасини тасдиқлаш ҳақидаги қарори асосида мулк ҳуқуқи вужудга келган ҳамда қабул қилиб олинганига уч йилдан кўп бўлмаган мол-мулк киради.».

15. 23-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

16. 24-банднинг биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга»

деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРББга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

17. 25-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ», «ХЧКваФРБга» ҳамда «ХЧКваФРБларни» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ», «МваФРББга» ҳамда «МваФРБларни» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» деган қисқартма «МваФРБ» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

18. 26-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБда» деган қисқартма «МваФРБда» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ИИБ», «ХЧКваФРБ» ҳамда «ХЧКваФРБ орқали ИИБ ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «ИИББ ёки ИИБ», «МваФРБ» ҳамда «МаФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ИИББ МваФРБ ёки ИИБ МваФРБ томонидан мавжуд ҳужжатлар ўрганиб чиқилгач, ИИББ ёки ИИБ ўринбосари томонидан тасдиқланадиган қарор билан аввалги ижобий қарор бекор қилинади. Қарор шахсий йиғма иш жилдига бириктирилган ҳолда ижро учун тегишлилиги бўйича ТШИИБ МваФРБга қайтариб юборилади.»

19. 29-банддаги, 37-банднинг иккинчи хатбошисидаги, 42 ва 47-бандлардаги ҳамда 1 ва 5-иловалардаги «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

20. 31-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» деган қисқартма «МваФРБ» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБга» деган қисқартма «МваФРБга» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;».

21. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Мазкур Йўриқноманинг 31-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида ТШИИБ МваФРБ ариза берган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс тўғрисидаги маълумотларни олиш учун бир кунда ИИБ Тезкор маълумотлар бошқармаси ва ИИББ ёки ИИБнинг ММБга сўровнома юборди. Жавоб олингандан сўнг уч иш кунида ТШИИБ бошлиғи томонидан тасдиқланадиган хулоса асосида белгиланган тартибда чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси расмийлаштириб берилади ва доимий прописка қилинади. Бунда, фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжатидаги чет элга бориш учун рухсат бериш ёзувининг стикери бекор қилинади ва бу ҳақда уч иш куни ичида ваколатли органга ҳамда

тегишлилиги бўйича ИИББ МваФРБга ёки ИИБ МваФРБга маълумотнома юборилади.».

22. 34-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБга» деган қисқартма «МваФРБга» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилади);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;».

23. 35-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошиларидаги «ХЧКваФРБ» деган қисқартмалар «МваФРБ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБга» деган қисқартма «МваФРБга» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

24. 38-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «Ахборот маркази ва ИИББнинг» деган сўзлар «Тезкор маълумотлар бошқармаси ва ИИББ ёки ИИБнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

25. 39-банддаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

26. 40-банддаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

27. 43-банддаги «ХЧКваФРБга» ва «ХЧКваФРБ» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБга» ва «МваФРБ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

28. 44-банддаги «ХЧКваФРБ», «ХЧКваФРБнинг» ҳамда «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ», «МваФРБнинг» ҳамда «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

29. 45-банддаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

30. 46-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБни» деган қисқартма «МваФРБни» деган қисқартма билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

31. 50-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Вақтинча пропискани такрорий расмийлаштириш масаласини кўриб чиқиш ТШИИБ МваФРБ томонидан амалга оширилади. Бунинг учун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча прописка муддати тамом бўлишидан ўн беш кун олдин ТШИИБ МваФРБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:»;

иккинчи хатбошисидаги «10-иловасига» деган сўзлар «7-иловасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«уй-жой ҳужжатларининг асл нусхаси (нусхалари олиниб, асли қайтариб берилди);

уй-жой мулкдори (мулкдорлари)нинг турар жой майдони бериш тўғрисидаги аризаси (розилиги) ёхуд нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги), агар шахсан ўзи бериш имкони мавжуд бўлмаса;»;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ариза рўйхатдан ўтказилгандан, шунингдек ҳужжатлар белгиланган тартибда ўрганиб чиқилгандан ва расмийлаштирилгандан кейин ТШИИБ МваФРБ бир сутка мобайнида чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга вақтинчалик пропискани расмийлаштиради.».

32. 51-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

33. 52-банднинг биринчи хатбошисидаги «ИИВ ХЧКваФРБ» деган қисқартма «ТШИИБ МваФРБ» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

34. 53-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

35. 54-бандда:

биринчи хатбошисидаги «ХЧКваФРБ», «ИИББнинг» ҳамда «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ», «ИИББ ва ИИБнинг» ҳамда «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошисидаги «ИИББнинг» деган қисқартма «ИИББ ва ИИБнинг» деган қисқартма билан алмаштирилсин.

36. 56-банддаги «ХЧКваФРБ» ва «ИИВ ХЧКваФРБнинг» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «ИИВ МваФРБнинг» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

37. 57-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

38. 58-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«58. ТШИИБ МваФРБ, ИИББ МваФРБ ва ИИБ МваФРБлар томонидан мазкур Йўриқноманинг 12, 14 ва 18-иловаларига мувофиқ шакллар бўйича Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳисоби юритилади.

Бунда, мазкур Йўриқноманинг 18-иловасига мувофиқ шакллар бўйича ҳар ойда, 12 ва 14 иловаларига мувофиқ шакллар бўйича ҳар чоракда ИИВ МваФРБга умумлаштирилган ҳисобот тақдим этилади.».

39. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-иловасига* мувофиқ 5¹-илова билан тўлдирилсин.

40. 6-иловадаги «ХЧКваФРБга» ва «ХЧКваФРБдан» деган қисқартмалар

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

тегишинча «МваФРБга» ва «МваФРБдан» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

41. 7 ва 8-иловалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 2-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

42. 9-иловадаги «ХЧКваФРБ», «ХЧКваФРБга» ҳамда «Тошкент шаҳар ИИББ» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ», «МваФРБга» ҳамда «Тошкент шаҳар ИИББ ёки Тошкент ИИБ» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

43. 10, 13, 15 — 17, 19 — 23-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

44. 11-иловадаги «ХЧКваФРБ» ва «ХЧКваФРБга» деган қисқартмалар тегишинча «МваФРБ» ва «МваФРБга» деган қисқартмалар билан алмаштирилсин.

45. 12-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 3-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

46. 14-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 4-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

47. 18-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 5-иловасига* мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

48. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати, Бош прокуратура ва Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган.

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

И. АБДУЛЛАЕВ

2019 йил 23 январь

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2019 йил 24 январь

Ташқи ишлар вазири

А. КОМИЛОВ

2019 йил 25 январь

* 2 — 5-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

163 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-8*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 27 июлдаги 222-В, 89, 2002-62-сон қарори (рўйхат рақами 1165, 2002 йил 12 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 15-16-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандидаги «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь)» деган сўзлар «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, нақд пул ва бошқа қимматликларни инкассация қилишга доир йўриқномага (рўйхат рақами 3028, 2018 йил 29 июнь)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
222-В-8-сон

М. НУРМУРАТОВ

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
15-сон

Д. КУЧКАРОВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
2019-11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

164 **Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг
3.2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ–516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 9 ноябрда 240-сон (рўйхат рақами 626, 1999 йил 11 февраль) билан тасдиқланган Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3.2-банди «и» кичик бандидаги «ва терроризмни» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/11-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

165 Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 992-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ–516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 мартдаги 6/12-сон қарори (рўйхат рақами 992-1, 2004 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 16-сон, 192-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-банди ўнинчи хатбошисидаги «ва терроризмни» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/13-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

166 «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-А

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юриштиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 30 мартдаги 01-02/12-19-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг (рўйхат рақами 2778, 2016 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон, 155-модда) 22 — 24-иловаларидаги «, муҳр» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 февраль,
01-02/12-12-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

167 «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-7

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2019 йил 21 февраль,
17-сон

Д. КУЧКАРОВ

**Иқтисодиёт ва
саноат вазири**

Тошкент ш.,
2019 йил 21 февраль,
3-сон

Б. ХОДЖАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 февраль,
2019-06-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат
вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг
2019 йил 21 февралдаги 17, 3 ва
2019-06-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 2 февралдаги 5, 4, 2011-4-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203, 2011 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 93-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 26 июлдаги 44, 7, 2011-23-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203-1, 2011 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 34-35-сон, 354-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2013 йил 6 мартдаги 24, 27, 2013-17-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203-2, 2013 йил 11 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон, 212-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 14 июлдаги 49, 73, 2014-15-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203-3, 2014 йил 22 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 30-сон, 376-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил 10 февралдаги 9, 90, 2015-4-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203-4, 2015 йил 19 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 7-сон, 87-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 25 январдаги 6, 124, 2017-08-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203-5, 2017 йил 6 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 80-модда).

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 19 апрелдаги 83, 13, 2018-32-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203-6, 2018 йил 1 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 18-сон, 373-модда).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 23 февралдан 1 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 01-02/15-15-сон «Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2773-3.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/10-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/12-сон «Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 943-5.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 01-02/8-13-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш бўйича йўриқномага ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 390-3.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 76-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларини мартаба даражалари бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2919-2.

6. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 77-мх-сон «Юридик хизмат ходимини лавозимга тайинлаш ва озод қилиш

масалаларини адлия органлари билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2864-3.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 26 февралдаги 78-мх-сон «Давлат органлари ва ташкилотлари юридик хизмат ходимларига мартаба даражалари бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 26 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2920-4.

8. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2019 йил 28 январдаги 24-сон «Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2363-1.

9. Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 12 февралдаги 4-2019-Б-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 октябрдаги 795-сон қарори билан тасдиқланган Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг 2-иловасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3140.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 16 февралдаги 222-В-8, 15, 2019-11-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд хорижий валютани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 4-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1165-8.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/11-сон «Банкларни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 3.2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 626-7.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/13-сон «Тижорат банкларининг ички аудитига Марказий банк томонидан қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомнинг 54-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 992-5.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 01-02/12-12-сон «Божхона иши соҳасида қўлланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-4.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 17, 3, 2019-06-сон «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-7.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2203, 2011 йил 3 март), шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2203-1, 2011 йил 23 август), (рўйхат рақами 2203-2, 2013 йил 11 апрель), (рўйхат рақами 2203-3, 2014 йил 22 июль), (рўйхат рақами 2203-4, 2015 йил 19 февраль), (рўйхат рақами 2203-5, 2017 йил 6 февраль), (рўйхат рақами 2203-6, 2018 йил 1 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 28 февралдаги 85-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Техник ҳужжат деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 13/ЮБ-2-сон «Ҳавони ажратишдан ҳосил бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 26 февралдаги 6-21/3-6/2780-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 09/ЮБ-11-сон «Рангли, нодир ва қимматбаҳо ме-

таллар конини қазиб олувчи рудник, прииск ва шахталардан техник фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-15/34-3190/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 22 февралдаги 18/ЮБ-15-сон «Нефть ва газ конденсатини саклаш, етказиб бериш бўйича қоидаларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-15/34-3419/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 15 февралдаги 12/ЮБ-7-сон «Нефть базалари ва нефть маҳсулотлари омборлари ишлатишда саноат хавфсизлиги қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-15/33-6/2833-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 14 февралдаги 09/ЮБ-3-сон «Маркшейдерлик ишларини амалга ошириш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-15/34-2854/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

6. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 09/ЮБ-10-сон «Кон-руда саноатида ўзгармас ток контакт тармоғидан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-15/33-6/3191-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 09/ЮБ-14-сон «Кон-руда, норуда ва кўмир саноати конлари ва шахталарида ер ости лифт қурилмаларидан хавфсиз фойдаланиш бўйича йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-21/3-6/3264-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

8. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 20 февралдаги 09/ЮБ-9-сон «Кон-руда корхоналарининг ёрдамчи цехлари учун хавфсизлик қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

Адлия вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 6-21/3-6/3175-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.